



Ўн еттинчи аср бошларига келиб, Европанинг ҳеч бир давлати мохов касаллигига қарши кураш борасида Венеция мамлақати қаби чора-тадбирларни қўлламаган эди.

Бу ерда тозалик ва тартиб-интизомни сақлаш масаласида қатъий қоидаларга амал қилинарди. Махсус идоралар мамлақатга келувчи ҳар бир кемани назорат қиларди. Яъни, Европа бўйича дастлабки карантин тадбирлари ана шу ерда жорий этилган эди. Барибир қўрилган барча зарур чораларга қарамай, шаҳарни фалокат қанғалидан омон сақлашнинг иложи бўлмади: қора ажал Венеция бўйлаб яна қайтадан бош қўтарди. У дахшатли даражадаги қўрғиликларни юзага келтирди.

ҚЎК ЛАГУНА СОХИЛИДАГИ ШАҲАР

Венеция XVII асрнинг илк босқичида гуллаб-яшнади. Ўз бойликларини ён-атрофига марок билан намоёиш эта бошлади. Аммо бойваччаларнинг мухташам ва салобатли қасру қошоналари каторида бошқа бир Венеция яшарди. Бу оддий ва турли тоифадаги қашшоқ меҳнатқаш халқдан иборат шаҳар аҳли эди.

Шаҳарнинг қатта қисми кичик-кичик қўчма иморатлардан иборат бўлиб, у ерда асосан, тикувчилар, бўёқчилар, шам тайёрловчи усталар, пайвандчилар, арик-зовур тозаловчилар, қунбай ишловчилар ва гадейлар турмуш кечирарди.

Портда эса ҳамиша қўплаб денгизчилар, савдогарлар ва зиёратчилар тўхтаб ўтишарди. Негаки Венеция Шарқ ва Африка минтақаларига олиб боровчи дарвоза ҳисобланарди.

Майдонлар ва қатта-кичик чорраха йўлларда субҳи содиқдан то вақти ҳуфтонга қадар одам оёғи тинмасди. Бу ерларнинг ҳар қадамида қачвон ёпинган турк мусулмонларини, иудей динига сўғинувчи қавмларни, араб савдогарларини ва қора танли мавронгодолерларни учратиш мумкин эди. Дунёнинг барча қишлоқларидан Европага илк

бор ташриф буюрган тижорат ахли ва саёхатчилар энг аввало Венецияга кадам кўйишарди. Бу ерда бутун Ев Чунки Шимолий Италияда Мانتун шахри учун уруш кетаётганди. Айнан ана шу жойда мохов касаллиги таркалди...

1630 йилнинг 8 июнида Венецияга Мантундан шу юрт герцогининг бир гуруҳ элчилари келишади.

Улар билан биргаликда шахарга юкумли микроблар кириб келади.

Мохов касаллиги Венецияга тез-тез "мехмон" бўлиб турарди. Биргина 1348 йилдан 1575 йилга қадар бу шахарни 20 марта мазкур касаллик балоси исканжага олган.

Касаллик таркатувчи омилларни бу мамлакат портига кўпинча улкан денгиз кемалари олиб келарди. Негаки уларнинг ичида хамиша кўплаб каламушлар учраб турган.

Каламушлар сохилга чикиб, бутун шахар бўйлаб таркаб кетишган. Ушбу кемирувчилар билан бирга келган бургалар одамларга ўтиб, касаллик чиқарувчи микробларни кенг таркатган.

Дастлаб бургалар каламушларни чаккан, улар кийналиб ўлгач, бошқасига ўтган. Сўнг одамларга хужум қилган. Шу тарика бутун бошли шахарни эпидемия қоплаб олган.

Венецияда каламушлар ўзларини жуда эркин ва бежавотир хис этишган. Улар Санто-Стефано ибодатхонаси, Сан-Марко майдони, Риалто тошқўприги теграси, Калледели-Армени номли арман мавзеси, Сан-Жоржо-де-Гречи деб аталувчи юнонлар тумани ва яхудийларга қарашли Гетто даҳасида эмин-эркин чоғиб юришган.

Албанларнинг Кампо-Сан-Маурициоҳудуди, немис савдогарлари ховлиси ва Усманийлар салтанатининг тижоратчилари қўналгаси бўлган Фондако-деи-Турки каби қатор мавзеларда каламушлар инсонларнинг ажралмас мавжудотиға айланиб қолганди...

Венеция факат Шарк ва Гарб оралигидаги асосий йўллар кесишган нуктағина эмасди. Шу билан бирга, у ўзга ерликлар учун бошқа шахарларға нисбатан анча эркинлик берилган макон ҳам эди. Хорижликларға хатто бу ерда ўз ибодатхоналарини қуришға ҳам рухсат берилганди. Мазкур ўлка юнонлар энг кўп бўлган ҳудудлардан бири эди. Улар Венецияға Х асрданок ўрнашиб олишганди.

1453 йили Константинопол турклар томонидан босиб олинганидан кейин бу ердаги юнонлар жамоаси 10000 нафардан ҳам ошиб кетганди. 1514 йили венециялик юнонлар ўз миллий проваслав ибодат-хоналари —Сан-Жоржо-деи-Гречини қуриш учун ижозат олишға муваффақ бўлдилар. Арманлар ҳам Венецияға жуда қадимдан ўрнашиб олишганди. Уларнинг Санта-Кроче номли ибодатхонасига 1496 йилда асос солинган. 1228 йилдан олдинрок немис савдогар ва ҳунармандлари шахарда ўз ховли-жойларини қуришган. Риалто тошқўприги атрофида эса уларнинг ўз савдо расталари ҳамда устачилик дўконлари бўлган.

Венецияда доимо тинимсиз ҳаракат ҳукм сурарди, ҳар қуни бу ерга юзлаб-минглаб кишилар келиб-кетарди. Бандаргоҳларға дунёнинг турли бурчакларидан сузиб келган улкан кемалар лангар ташларди. Агар Европада турли-туман юкумли касалликлар учун кенг очиб қўйилган дарвоза мавжуд бўлган эса, у айнан Венеция эди, дейиш мумкин.

АСЛИЯТДАН КЎЧИРМА

Кир-чир ва ифлосликлардан тозаланмайдиган кашшоклар яшовчи дахаларда каламушлар хакикий кулфат манбаи бўлиб колди. Рио-Мариндаги жуда зич килиб курилган уйларда камбагал хунармандлар, кора ишчилар, баликчилар ва нуфузи энг паст бўлган касб-кор эгалари—гўрковлар, фаррошлар, фохишалар, кудук тозаловчилар, гадой ва ўғрилар истикомат килишарди. Бу шўрпешоналар томигача чиркинга ботган каталакдек хоналарда аранг кун кўришарди. Расвойи жахон бўлиб кетган ховлиларнинг умумий манзараси бу ерда илдиз отган кашшоклик, кўшмачилик ва жинойтчиликни яккол намоён этиб турарди. Зах босган хоналарга мутлако куёш нури тушмас, шу боис уларнинг деворлари могорлаб коп-кора доғлар хосил килиб турарди. Бундай уйларнинг пиллапоялари шу даражада тор ва танг курилган эдики, натижада хаётдан кўз юмган юкори каватдаги кишини тўғридан-тўғри зинапоялар оркали эмас, балки замбилларга солган холда олиб тушишга тўғри келарди; Шунда ҳам бечора тобуткашлар мархумни бамисоли бир коп каби елкасига ортмоклаб олиб тушарди.

Оилалардаги яшаш шароити ҳам багоят даражада паст эди. Хочналарда саноклигина жихозлар "бўларди, холос. Улар атиги ёток кровати, бир-иккита курси ва оддий сандикдан иборат бўлиб, ушбу матохлар кизил ёки яшил рангга бўяб кўйиларди. Негаки бу тусдаги бўёклар энг арзон эди. Сандикларда кийим-кечаклар сакланган.

Венецияликлар Пасха байрамида (диний байрам) бир-бирларини хамиртуруш солиб пиширилган хушбўй ифорли нон билан сийлашган. Рождество тантаналарида эса улар ширинликлар, турли пиширик ва шарбатлар билан ўзаро меҳмондўстлик килишни анъанага айлантириб олишган. 11 ноябр—Мукаддас Мартин кунида барча венецияликлар ковурилган каштан ва беҳили пишириклар истеъмол килишган.

Бу каби пиширикларни Венециядаги барча фукаролар дастурхонида учратиш мумкин эди. Аммо хамиша эмас, балки юкорида санаб ўтилган санокли байрам кунларида, холос. Кўй, мол, парранда, балик ва ноёб хайвонлар гўшtidан тайёрланувчи турли-туман тансик таомлар эса факат бой хонадонлар дастурхонида учрарди. Рио-Мариннинг увадаси чиккан уйларида, ахлат босган ховлиларида яшовчи фукаролар бундай таомлар хакида хатто орзу ҳам килишмасди. Оддий халкнинг асосий озукаси ун махсулотлари ва сарделка ҳамда скумбрия деб номланувчи баликлар бўлган. Улар овкатни умумий сув идишдан олинган сув ва арзон гаров вино билан тановвул килишган...

Кўплаб хунармандлар ўз уйларида ишлашарди. Уларнинг асбоб-ускуналари каталакдек хоналарда калашиб ётарди. Хар бир ана шунаканги уйларда албатта, каламушлар яшарди.

Аксарият каламушлар савдо битимлари тузиладиган тижорат кемаларидан юklar туширилиб, махсулотлар тахлаб кўйиладиган Риал-то кўприги атрофида ин курганди. Ушбу тошкўприкдан унча узок бўлмаган жойда галла омбори бўлиб, унда махсулотни тортиб оладиган умумий тарози ҳам бор эди. Савдо расталарида дон ва ун сотиларди. Шунингдек, бодапазлар май ҳам сотишар эди. Бозорларда гўшт ва балик махсулотларини кўриб, камбагалларнинг кўзи кувнарди. Бирок уларни сотиб олишга бечоралар сарик чака ҳам топа олишмас-ди. Хамма жойда оломон изгирди. Минглаб фохишалар ўз уйи олдидаги тор кўчаларга чикиб, интиклик билан мижоз кутарди Шовкин-суронли, бой ва хавф-хатардан холи бўлмаган бу шахар ахолиси ўзига хос тарзда хаёт кечирарди.

Чоршанба кунлари Кампо-Сан-Полода бозорочиларди. Шанбада эса асосий савдо-сотик ишлари Сан-Марко майдонида давом ётарди. Белгиланган бу кунларда пештахталар мева-чева, сабзавот ва турли-туман зираворлар, кўкатлар солинган саватларга тўлиб

кетарди. Хамма жойда хозиру нозир каламушлар махсулотлар ичида бемалол ўз ишини килиб юраверарди. Жони халкумига келган сотувчилар уларни хар хил таёкчалар, супургилар билан кувишдан безор бўлиб кетишарди.

Европадаги энг йирик кemasозлик нуктаси бўлган Арсенало худудининг каттагина кисмида ҳам худди Мурано оролидаги каби кемирувчи каламушлар сайр килиб юришарди. Муранода ойнасозлик корхонаси бўлиб, унда Венециянинг оламга машхур ойналари ишлаб чиқарилар эди. Усталар бу ерда нафис кадахлар, кубоклар, гулдонлар, кўзгу ва дераза ойналари яшашарди. Венеция шиша идишлари жуда юкори бахоланарди. Каламушлар хатто шу шишасозлар оролини ҳам тинч кўймади.

КЎЗГА КЎРИНМАС УРУШ

Одатдагидек, уй-жойсиз дайдилар биринчи бўлиб касалга чалинишди. Улар кўлтик остининг шишиб кетиши, йиринглаши, танахарорати кескин ошиши, бошнинг каттик оғриши ва бутун аъзои баданининг зиркирашидан шикоят кила бошлашди. Кейин эса уларнинг сонларида кора доғлар пайдо бўлаётгани кўзга ташланди. Венецияликлар бу мохов касаллиги аломатлари эканини аллакачон билишарди. Ана шундан кейин бутун Европа мамлакатлари бўлаб, мохов касаллигининг дастлабки эпидемиялари кенг таркалди. Кора ажал кўланкаси вакти-вакти билан Европага кўп бор кайта-кайта тахдид солиб турди. XIV асрда машъум офат шамоли минтака аҳолисининг учдан бир кисмини хаётдан олиб кетди. "Шунчалик кўп одамлар ўлдики, уларни ҳеч ким, хатто энг катта мукофот эвазига ҳам кўмиб кўйишни истамасди,— деб ёзганди "Сиен хроникаси" муаллифи Анолоди Тур.—Мархумар жасадини итлар еб кетмаслиги учун уларнинг устига шунчаки тупрок сепиб кўйишарди, холос". Бандаргох бекатлар шаҳарларга касаллик кириб келувчи дарвоза вазифасини ўтади. Дунё давлатлари билан мустахкам савдо алоқаларини ўрнатган Генуя ва Венеция шаҳарлари айниқса бу ўринда етакчилик килди. Ушбу ердаги бандаргохлар оркали Европага нафакат мохов, балки бошка кўплаб касаллик микроблари ҳам кириб борди.

Одатда, Сенат (шаҳар бошкармаси) куйидаги мазмунда буйрук чиқарарди. Мабодо венецияликлар бандаргохдан сохилга тушаётганлар орасида мохов касаллиги аломати бор бўлган кишиларни кўриб қолишса, дархол: "Бошка вилоятлардан келган бирорта ҳам бемор Венеция теграсига киритилмаслиги, ундайлар мажбуран галереяларга сургун килиниши ва уларга тегишли хар қандай кемалар ёкиб юборилиши хакида маълум килишсин!" 1423 йили Сенат илк бор моховларни даволовчи касалхона очди. Бу шифохона шаҳар жанубидаги оролчада эди. Бирок мазкур шифо масканида ҳеч кимни даволай олишмади. Негаки ушбу касалликни бартараф эта оладиган бирон бир дори-дармон воситасининг ўзи йўқ эди. Оролча мохов туфайли хаётдан кўз юмганлар кабрига тўлиб кетди.

Орадан бир неча йил ўтиб, Венеция Европада биринчи бўлиб карантин тартибини жорий этди. Бу янгилик хақикий маънодаги инкилобий ёндошув эди.

1490 йили Сенат санитария идорасини ташкил этди. Бу идора таркибида нотариус, мирза, олти нафар ёрдамчига эга бўлган капитан, кема каровчиси, тегишли конун ва

карорларни эълон килиб борувчи котиб, мархумларни кабрга элтувчи уч нафар «юкчи» ва битта коровул фаолият юрита бошлади. Санитария идораси ходимлари касаллик эпидемияси сабабли кийнаиб, чекка-чекка вилоятлардан келган барча кишиларни текшириб чикишарди. Уларнинг рўйхатиغا хар куни аниклик киритиларди. Шу билан бирга, санитарлар томонидан бандаргоҳга келувчи хар кандай юк кемалари ҳам катъий назоратга олинарди,

Шахарга бортида моховга чалинган беморлари бўлган кема ёки кайиклар келса, улар бутун туриш-турмуши билан дархол тўғридан-тўғри моховлар даволанадиган махсус шифохонага олиб кетиларди. Кўзга бироз согломрок бўлиб кўринган беморлар эса, зудлик билан кип ялангоч килиб ечинтирилар ва сирка билан обдон ювинтирилиб, уларга янги либослар бериларди. Сўнг тоза ва озода бўлиб колган беморни карантин учун кирк кунга янги касалхонага жўнатишар эди. Карантин тартибини Сенатнинг талаби даражасида ҳаётга тадбиқ этиш жуда мушкул кечган. Очик бандаргоҳ шаҳарнинг дарвозаси бўлмаганки, уни шунчаки ёлиб кўйиш мумкин бўлсайди. Оддий кайикка ўтириб ҳам исталган томондан Венецияга кириб келса бўларди. Бу ерга ташриф буюрган киши халқасимон тор ва танг кўчаларда адашиб, турфа тилларда мулокот килувчи оломон орасига сингиб кетганини ўзи ҳам билмай коларди. Шу сабабли ҳам Сенат рухонийларни санитария коидаларига мунтазам амал килишга чакирарди, Чунки улар тез-тез касалликдан вафот этган оилаларга чакирилиб турилар, дин ахкомлари мархум учун дуолар тиловат килишар эди. Агар таъзияхонага рухоний чакирилган бўлса, демак, санитария идораси ходимларидан мархумнинг касаллик ҳолатини сираям яшириб бўлмасди. Бирок кўрилган буидай катъий чора-тадбирларнинг ҳеч бири Венецияни бало-ю казодек ёпирилиб келган касаллик офати-дан асраб коллмади.

КУЛФАТ ЁЛГИЗ КЕЛМАЙДИ

1630 йили ушбу кулфат ўз тарихининг фожиали палласини бошдан кечираётган шаҳарни яна ўз домига олди. Венецияликлар урушда маглубиятга учраб, харбий кўшинларидан жудо бўлишди. 1630 йилнинг апрел ойида Венеция жангга 14000 аскар жўнатди. Сенат Мантуан герцоглигининг мероси масаласидаги можарога аралашишни истаб, рим-герман императори ва унинг иттифокчиси—Венеция республикасининг анъанавий душмани бўлган Испанияга карши курашга чикди.

29 майда венецияликлар армияси Мантуан остонасига келди ва шу ерда улар бутунлай тор-мор этилди. Император Фердинанд аскарлари зум ўтмай, Венеция лашкарлари каршилигига барҳам берди. Мантуан остонасидаги маглубиятдан сўнг венецияликлар ўз кулролли кучларининг асосий кисмидан жудо бўлишди. Бу улар учун кутилмаган зарба эди. Бусиз ҳам венецияликлар кун сайин заифлашиб, жахон савдо марказида тутган ўзларининг мустаҳкам мавкеларидан мосуво бўлиб боришаётганди.

Асрлар оша Венеция савдогарла-ри Шарк мамлакатларига темир, ёғоч, ойна, жун, кемасозлик

ускуналари ва куллар олиб бориб сотишарди. У ёкдан Европага эса тўкимачилик

махсулотлари, ипак матолар ва фил суяги келтиришарди. Венеция шарк давлатларидан олиб келинадиган тўқимачилик ва ноёб экзотик моллар савдоси туфайли жуда бойиб кетганди.

Европада Венеция бойваччаларига тенг келадиган давлатмандлар йўқ эди хисоби. Уларнинг шаҳарлари минтақадаги энг асосий савдо бандаргохлари хисобланарди. Бирок XVI асрга келиб, кудратли тижорат салтанатининг макоми ҳар жихатдан пасайиб кетди. Бу ҳолат секин-аста юз берди. Йилдан йилга Венециянинг ишлари орқага кетаверди. Бунинг кўпгина ўзига хос омиллари бор эди.

Венециянинг сиёсий жихатдан заифлашувига Усманийлар салтана-тининг уларга ўтказган босими сабаб бўлди. Масаланинг техник жи-хатларини олиб қарайдиган бўлсак, унда Англия билан Голландиядаги кемасозлик саноатининг жадал тараккий этганини кўрамиз. Бу эса ўз навбатида Венеция инкирозининг техникавий сабабларидан бири хисобланади.

Венеция учун энг хавфли таҳдид солиб, унинг савдо марказидаги аҳамиятини йўққа чиқарган ваҳ карсонлардан яна бири, бу—XV аср охирига келиб, испан ва португал географик ўлкаларининг кашф этилгани бўлди.

Христофор Колумб томонидан янги китъанинг топилиши, Васкода Гама «ихтиро» қилган Хиндистон денгиз йўли айнан ушбу фикрлар исботидир.

Испан ва португал денгиз йўлларининг очилиши қаби буюк янгиликлар оламга нисбатан бўлган қарашларни тубдан ўзгартириб юборди. Дунё ҳудуди кенгайди, ҳали шу чоккача кўпчиликка қоронги бўлиб қелган минтақалар аён бўлди. Бундай улкан ўзгаришлар оламида Венеция энди марказий ўринларга эга бўлолмай қолди. У асосий йўллардан анча узокларда қолиб кетди. Венециянинг аҳоли ана шундай тубанликка юз тутган бир пайтда, унинг бошига яна қора ажал балоси соя қолди...

1630 йили Венецияда мохов эпидемияси бошланган кезде, аҳоли ушбу қулфатнинг барча асорат ва белгиларини яхши билишарди. Баданга ҳар хил тошмалар тошиши, қўлтикости ва бўғимларда қатта-қатта йиринг, ботик қаралар пайдо бўлиши ҳамда терининг ўз-ўзидан қоп-қора тус олиши, ириб кетиди, ушбу касалликнинг дастлабки аломатлари саналарди.

Шу боис, шаҳар бошқармасининг масъул ходимлари қолғон кишини ваҳима ва қаросимага қолувчи «мохов» қўзини тилга олишдан иккиланиб, янаям аниқроқ айтадиган бўлсак, ирганиб қуришди. Улар қазқур «Қаққилмаган қехмон» шаҳар учун қатта қалоқатлар қелтиришини яхши билишарди. Барча қранспорт йўллари ёпилиши, қлотда қарантин эълон қилиниши ва таъминот қарҳол қўхтатилиши қарур бўлган.

Бундай қесқин ҳолатда мохов эпидемияси шаҳар ҳаётининг асосини таққил этувчи савдо-сотик қалоқияти илдиқига қолта урмай қолмасди, албатта.

Қазқур вақиятда Сенатнинг шоқилмай иш тутқанидан ҳайратланмаса ҳам бўлади. Шаҳар оқсоқоллари эпидемия оловини ўз ишонқ ва қуқлари билан қартараф этиш умидидан қираям воз қечишмади. Эпидемия қамраб олган ҳудудлар теқрасига мохов қўланқаси қормаган қойлар қам бўлса-да, учраб турарди.

Сенат аъзолари мохов эпидемияси тарқалганини расман тан олиши нақижасида нақакат Венеция савдо-сотиги, балқи мамлақатнинг боққа барча ҳўжалик қалоқиятлари ҳам издан қикишини, шунингдек, оломон орасида оммавий ваҳима қўтарилиб, аҳоли шаҳарни тақлаб қикиб қетиши мумқинлигини тушунишарди.

ХУДО БИЛАН «ТУЗИЛГАН БИТИМ»

1630 йил 22 июнда Сенатнинг дек-рети (карори) чикди. Унда илк бор мохов касаллиги билан боглик вокеалар расман тилга олиб ўтилди.

Шахар бўйлаб бир-биридан дахшатли шов-шувлар кенг кулоч ёйди. Венецияни «Илохий иллат» босди, дейишди. Аллакайси бойваччалар аллакачон мохов урган шаҳарни тарк этиб, овлок жойларга яшириниб олди деган гаплар таркалди. Бу каби саросималардан кейин, ёзнинг ўрталарида 24000 венециялик шаҳардан бутунлай чикиб кетди.

22 июн декретида бирон-бир санитария тартиблари хусусида ҳеч қандай гап йўқ эди. Унда фақат мохов эпидемиясига қарши курашнинг диний воситалари тўғрисида сўз борарди, ҳолос. Сенатжон куйдириб, Тангри таоло билан ўзига ҳос «битим тузиш»га уринган эди. Агар шаҳарликлар гуноҳ ишлар қилишдан тийилишса, Худо уларни мохов касаллигидан ҳалос этармиш.

«Худо бизга бўлган нафратини ўзига ҳос усулда намойиш этаяпти, унга қилган дахрийлигимиз учун у бизларни шундай жазолаяпти,— ҳалқ бу фикрга ишонди—Шу билан бирга, Худо ҳаммамизни яхшиликка ундаб, ҳақ йўлга бошқармокда».

Шаҳар ҳукумати бу касаллик ба-лоларини Худонинг маънавий қадриятлар борасидаги эслатмаси сифатида талкин этишди.

Мохов эпидемияси чуқур илдиз отиб бораётгани муносабати билан Венецияда маънавий ахлоқ полицияси ташкил этилди. Унинг зиммасига Худонинг иродасига қарши гуноҳлар содир этувчиларга қарши курашиш вазифаси юкланди. Булар замирида дахрийлик, ахлоқсизлик, киморбозлик, майхўрлик, мечкайлик, исрофгарчилик иллатларига зарба бериш каби масалалар бор эди. Шунингдек, кимматбаҳо тақинчоклар тақиш, шохона либослар қийиш ҳам улар томонидан таъқиқланди. Венециялик кўплаб зодагонлар ўз бойликларини кўз-кўз қилиш мақсадида қамёб матолардан тикилган қийим-кечаклар қийишгани учун ҳам ахлоқ полицияси шундай йўл тутишни лозим топганди.

Эпидемия бутун мамлакатни ёппа-сига қамраб олгунга қадар қўрилган бундай чора-тадбирлардан кейин шаҳарликлар Худонинг қаҳри сўнишига жуда-жуда ишониб юришганди. Бундан ташқари, шаҳарни ҳар хил қаланги-қасанги дайди ва гадойлардан тозалашга ҳам бел богланди. Бу ўринда, биринчи галда Сан-Марко тумани назарда тутилди. Негаки ушбу туман марказида руҳоний—Муқаддас Роҳ нинг ибодатхонаси ва унинг атро-фидаги бойваччалар хонадонлари олдида жонсарақ моховларни дарддан ҳалос этишдек сохта ниятли кўплаб роҳиблар босиб кетганди.

Сенат бундай жойларда қашшоқ оломон тўпланиши мумкин эмас, деган қарорга келди. Бунақа

ҳолга асло йўл қўйиб бўлмайди, чунки бу—улуг динни ҳақоратлаш ва таҳқирлаш билан баробардир.

Шаҳар ҳокимияти қамбағаллар ҳақида қайғу-ришни зиммаларига олишди. Бу савоб иш эзгуликка хизмат қилиб, Худонинг нафратини сусайтиришга ёрдам беради, деб ўйлашарди улар.

Худоба ҳуш ёқувчи ҳайрли ишлар ҳам ўз ўрнида фойдали, албатта. Етим-есирларни боқиш, уларга бошпана бериш—шаҳар ҳокимиятининг асосий бурч ва вазифаси-дир. Аммо қўлланган ушбу тадбирларнинг бирортаси ҳам эпидемия оқибатларига барҳам

беришда кўл келмади. Кўплаб венецияликлар кун сайин ўзларида мохов касаллигининг тобора кўпроқ аломатларини пайкай бошлашди.

Танадаги лимфатик тугунлар ша-моллаши ва бадан хароратининг кескин кўтарилиб кетиши мазкур хасталикнинг илк белгиларидан ҳисобланарди. Ўзига тўқ оилалар уйларига табиб чакириб, таналарига кон кўйиришарди. Бу ўша пайтдаги оддий тиббиёт муолажасиди. Организмга кон куйдириш, бадандаги кучли харорат ва намликка барҳам беради. Шунингдек, юкумлилиқ хавфини камайтиради, деб ўйлашган...

Сентябр ойида санитария идораси ходимлари моховга чалинган беморлар ҳақида ҳисобот тайёрлади. 1630 йилнинг июн, август ва сентябр ойларида улар мохов касаллигидан вафот этган 1216 нафар бемор номини кайд этишди.

Расмий ҳужжатларда таъкидланишича, ўша пайтлари Испания, Германия, Полша ва Ўрта ер денгизининг шарқий минтакаларидан Венецияга 5000 нафар хорижликлар ташриф буюрган. 1516 йилда қабул қилинган декретга мувофиқ, уларнинг бари мўъжаз туманлардан бирида яшаган.

ЯХУДИЙЛАР МАСАЛАСИ

Моховдан ўлганлар орасида 13 нафар яхудий ҳам бор эди. Шу сабаб Сенат куйидаги мазмунда қарор қабул қилди: «Яхудийлар Сан-Жироламо ёнидаги Гетто мавзесида қурилган умумий бинода яшаши керак. Улар тун бўйи тентираб юрмасликлари учун Гетто Векконинг барча томонида кўприқ қурилган, бошқа бир тарафда эса дарвоза ўрнатиш назарда тутилган. Эрталаб Марангол кўнгирогли чалиниши билан дарвоза очилиши ва ярим тунда ёпилиши лозим. Бу ишни амалга ошириш учун яхудийлар христиан динига мансуб тўрт нафар қоровул ёллаши ва уларга Сенат хайъати белгилаган микдорда меҳнат ҳақи тўлаши даркор».

Бу жой ҳамма томондан канал ва деворлар билан ўраб ташланган эди. «Гетто» иборасининг ўзи ҳам эҳтимол, айнан шу мавзенинг тузилиш маъно-мазмунидан келиб чиққандир. Чунки бу ҳудудда анъанавий металл қуювчиларнинг устахоналари жойлашганди.

Кечаси Геттодан ташқарида қўлга тушган ҳар бир яхудийга пул ҳисобида жарима солинарди. Шаҳарда иккинчи маротаба қўлган олинган яхудийни эса икки ойлик камок жазоси қутарди.

Шаҳар ҳукумати фақат яхудий шифокорларнигина мазкур қоралардан истисно этдилар. Негаки уларнинг аксарияти шаҳарликлар орасида юксак ҳурмат-эътибор қозониб улгурганди. Умуман олганда, христианларнинг иудий мазҳабидаги врачлар ёрдамида даволаниши таъқиқланган эди. Аммо фаровон яшайдиган венецияликлар бу таъқиққа парво қилишмасди. Улар учун яхши ва малакали шифокор бўлса бас эди.

Яхудийлар мавзесида аҳоли жуда зич яшарди. Ер танқислиги учун Геттонинг кичкинагина майдончаси атрофида баланд-баланд иморатлар қурилди. Бу уйларнинг кўпчилиги ўн қаватли эди. Венециянинг бошқа туманларида бунга ўхшаш осмонўпар бинолар барпо этилмаган. Геттодаги уйларнинг шифтлари жуда паст бўлиб, улар тежам-қорлик мақсадида шундай қилинганди. Ушбу иншоотларнинг пастки қаватларида

савдо-сотик дўконлари, ошхоналар, нонвойхоналар, этикдўзлик устахоналари, ноширлик идоралари, молия-судхўрлик бўлимлари жойлашганди.

Геттонинг хали бир гектар майдонида 1000 дан ортик киши зич бўлиб яшаган. Бу эса Венециянинг бошка туманларидаги ўртача аҳоли зичлигига нисбатан тўрт баробар кўп эди. Яхудийларнинг бунчалик тигиз бўлиб яшашларига карамай, 1630 йилнинг сентябр ойи охиригача Геттода атиги 13 нафар кишининг моховдан ўлгани хайрон коларли холдир.

Октябр ойида мохов билан касалланганлар сони бирдан ошиб кетган ва ойнинг охирига бориб, уларнинг микдори 2121 нафарга етган.

Бозорларда нон, гўшт, ёғ, балик, вино ва шам каби махсулотларнинг нархнавоси кескин даражада кўтарилган. Кўплаб венецияликлар озик-овкат молларини гамлашга киришиб кетади. Улар ўз уйларига камалиболиб, эпидемиянинг яхши-лик билан якун топишини кутиб ўтиришни ишташади.

Ибодатхоналар ибодат килувчиларга тўлиб кетган. Рухонийлар тиним билмай уларга хизмат кўрсатишган. Одамлар моховдан халос этувчи дуолар ўқийдиган рухоний—Мукаддас Рохнинг атрофидан нари кетмай қолишди. Уни кўпинча овкати ит олиб келиб берувчи касал кийёфасида тасаввур этишарди. Сан-Рокко ибодатхонаси теварагида ҳам динга ишонувчилар сафи турнакатор бўлиб тизилиб кетарди. Венецияликлар Худо уларнинг гунохларини кечиришлари учун ўртада воситачи бўлишини сўраб, рухонийларга дуо-ю илтижолар кили-шарди.

Халк хар хил товламачилар дўко-ни олдидан нари кетмай колди. Сехр-жоду гиёхлари, мўъжизавий сув кўшилган дорилар ва афсунгар-лик туморларига нисбатан бўлган талаб ҳамда эҳтиёж мисли кўрил-маган даражада ортиб кетди.

Шифокорлар ҳам зўр бериб, касалларни ва соглом кишиларни хасталик юкишидан асраб қолувчи қукун дорилар савдосига киришиб кетди лар. «Малхам дори»лар меъёри кат та ёшдагилар учун (тахминан, мо-ховлар касалхонасидаги беморга бериладиган микдорга яқин эди) 12 солди (пул бирлиги) турарди. Ўсмирларга белгилангани—8, бола-ларники—6 солдидан сотилган.

«Кимга тўй, кимга аза» деганлари шу бўлса керак-да. Йўқ, бундан ҳам аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ўша замон шифокорларининг максад-муддаосини «Эчкига жон, кас-соссобга мой қайгуси» кабилида тушунсак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз. Чунки ўз халқининг бошига тушган ўлим қулфати ортидан бойлик тўплашга уринган кимсаларга бундан бошка яна қандай баҳо бериш мумкин?

Рус тилидан Рахмон КОДИР таржимаси